

УДК 37; 377; 1

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИ УСЛУБИНИНГ МОТИВАЦИЯЛОВЧИ ТАЪСИРИ

Д.Р.Тураева – психология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Тошкент Кимё халқаро университети

Таянч сўзлар: ўқитувчи, услуб, ўқитувчи фаолияти, бошқарув услуби, самарали фаолият услуби, мослашувчан фаолият услуби, ижтимоий фаолият услуби, шахс хусусиятлари.

Ключевые слова: учитель, стиль, стиль деятельности учителя, стиль управления, эффективный стиль деятельности, адаптивный стиль деятельности, стиль социальной деятельности, личностные качества.

Key words: teacher, style, teacher's style of activity, management style, effective style of activity, adaptive style of activity, style of social activity, personal.

Республикамизда сўнгги йилларда “Жамиятимизда боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий-иждоий зиёлиларни бугун биз интилаётган Учинчи Ренессанснинг тўрт таянч устун” [1] ғоясига кўра, таълим ислохотлари, миллий кадрларни саклаб қолган ҳолди рақобатга чидамли, интилувчан, мотиватор ўқитувчи-мутахассисларни етиштириш бўйича стратегик вазибалар белгилаб берилиб, ҳуқуқий асослар яратилмоқда. Жумладан, 2023 йил 30 апрель куни Референдум орқали қабул қилинган янги Конституциянинг 52-моддасида “Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини саклаш ҳамда бойиштирининг асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини химоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади” деб белгиланганлиги, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларини, ўқитувчининг фаолияти услубини, замонавий талаблар, демократик тамойиллар асосида қайта кўриб чиқиш шахслараро муносабатлар психологияси ва ҳамкорлик психологияси муаммоларини ўрганиш ва такомиллаштириш борасида илмий тадқиқот ишларини чуқурлаштиришга қаратилган янги назарий ечимларни топиш учун мустақам асос бўла олади.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ўқитувчининг фаолияти услуби, замонавий талаблар, демократик тамойиллар асосида қайта қуриш шахслараро муносабатлар психологияси ва ҳамкорлик психологияси муаммолари билан ҳамкорлик бўғлиқ эканлигида кўзга ташланади. Ҳолбуки, ўқитувчи фаолияти услубидаги яқка ҳокимликни демократик муносабатларга айланиши ўқитувчи-ўқувчининг жамиятда тутган мавқеи, обрў-эътиборлиги ўқувчилар руҳиятига оқилона таъсир кўрсата олиш жараёнлари аниқ ижтимоий-психологик қонуниятларни билиш, уларни аниқлаш йўллари тадқиқ этиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш таълим масканларидаги таълим-тарбия жараёнларини демократик тамойиллар асосида бошқариш-таълимнинг энг замонавий, давр руҳига мос шакллари ва усулларини жорий этишга кўмаклашади,

1-жадвал. Автоном мотивациянинг узлуксизлиги

мотивация тури	фаолиятга ундовчи стимуллар	мотивация характери
мотивациянинг йўқлиги	интилиш учун ҳеч нарса йўқ	мотивация мавжуд эмас
ташқи мотивация	рағбатлантириш ва жазолашнинг ташқи шартлари	назорат
	ички бошқарув “ўзимдан фахрланиш учун ўқиш бурчим бўлгани учун ўқияпман”	ортиқча назорат
	аниқлашган бошқарув “таълим мен учун ҳам касбий фаолиятимни аниқ - лаштиришим учун ҳам фойдали”	ортиқча автоном
	мақсадли бошқарув “касбий юкса - лишни билим олишимда кўряпман”	автоном
Ички мотивация	“Мен учун билим олиш хурсандчилик ва қизиқиш”	табиати автоном

ўқитиш самарадорлигини оширади.

Ўқитувчи фаолияти услуби – унинг ўқитиш фаолиятида намоён бўладиган, индивидуал-психологик хусусиятларини умумлаштирган, ўқув-тарбия жараёнининг айрим томонларини ҳисобга олган ҳолда, режалаштирилган фаолиятини амалга оширишининг ўзига хос йўл-йўриқлари, усуллари тизимидир. Ўқитувчининг мотивацияловчи таъсирга эга бўлган услуби бизни тадқиқот предмети сифатида қизиқтирган масалалар жумласига қиради.

Ўзини ўзи ривожлантириш детерминациясида урта асосий компонент аҳамиятли бўлиб, уларга дастлаб, шахс ўзини фаолият субъекти сифатида ҳис қилиши, иккинчидан компетентлиги, яъни самарали фаолият олиб бориши, учинчидан, ўзгаларни қабул қилиш, яъни бошқалар билан алоқаларда бўлиш назарда тутилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, мазкур эҳтиёжларнинг турли фаолиятда қондирилиши ички мотивацияларга, ривожланишга фаолиятга қиришишга олиб келади [7].

Замонавий психологияда энг машҳур мотивация назарияси Ричард Раян ва Едвард Деси томонидан тақлиф қилинган - ўз тақдирини ўзи белгилаш назариясидир. Улар академик психологияга инсон бахтли бўлиш учун эркинликка интилади, деган гуманистик фалсафа ғояларини тақлиф қилганлар. Ушбу назариянинг бир қисми мотивациянинг нисбий автономиясининг узлуксизлик, умумийлик моделидир.

Ўқув мотивациясини шаклланишида атроф-муҳитнинг қўллаб-қувватлаши. Бир томондан, ички мотивациянинг ривожланиши ўқувчининг атроф-муҳитига боғлиқ. Аниқроғи, у инсоннинг урта асосий психологик эҳтиёжларини қондирадими ёки йўқми, бунга боғлиқ:

– автономияда - мустақил ҳаракат қилиш, муайян вазиятда шахсан ҳаракат қилиш зарурати;

– компетенцияда - муваффақиятни бошдан кечириш, ҳаракатларнинг керакли натижаларга олиб келишини ҳис қилиш;

– боғланишда - атрофдаги одамлар билан яқинликни ҳис қилиш, бефарқ эмаслигини, муносабатлар расмий эмаслигини ҳис қилиш зарурати.

Мотивация кўринишларини таҳлил қилиб, ички ва ташқи ҳамда мотивациянинг мавжуд эмаслигида кузатиладиган стимуллаштирувчи жумлаларни таҳлилини ўтказишга ва мотивация хусусиятини ажратиш кўрсатишга ҳаракат қилишган.

Гап шундаки, ташки мотивациянинг турли шакллари психологик механизмлари ва инсон учун оқибатлари билан фарқланади. Бу инсон ўз хатти-ҳаракатларини қандай автоном тарзда тартибга солишига боғлиқ.

Ўқув фаолияти соҳасида ўқитувчининг ўқувчиларда юқоридаги эҳтиёжларни қондириш ва ўқув мотивациясига таъсири турли томондан ўрганилган. Энг кўп эътибор қаратилган тадқиқотлар ўқитувчининг фаолият субъекти сифатида автоном компонентнинг ўқув мотивациясига таъсири бўйича олиб борилган. Бу борада ўқитувчининг автоном ҳолатда иш олиб бориши ўқувчиларни ички мотивациясини кўтаришига таъсир қилиши исботланган [2].

Назорат қилувчи услубда эса аксинча, ўқитувчи ўз режаларини ва қутилмаларини амалга ошириш йўлида ўқувчига босим ўтказиши. Босим турлича бўлиши мумкин, баъзи ўқитувчилар ташқи назоратни ўз ичига олиб, таҳдид, жазолаш, рағбатлантиришга, баъзилар психологик манипуляция, уялтириш, айбдорлик ҳиссини уйғотиш орқали ички назоратга таянган ҳолда фаолият олиб боришади [9].

Назоратли усул ўқувчиларда кенг спектрли салбий оқибатларни: нафрат, хавотирлик, тесқари мотивация ва ташқи мотивацияни келтириб чиқаради [3]. шунингдек, Америка психологлар ассоциацияси аъзолари Haerens, L., Aelterman, N., Vansteenkiste, M., Soenens, B., & Van Petegem, S. (2015) олиб борган тадқиқотлари натижаларида кўрсатилганидек, ўқитувчига қаршилиқ қилиш, бўйсунмаслик туйғусини уйғотади [4].

Ўқитувчи мулоқотида тизимлиликнинг таъминланганлиги муҳим. Эътиёжлардан бири бўлган компетентликни сақлаб қолишни таъминлайди. Тизимлиликни таъминлаб, ўқитувчи дарс жараёни боришини ва режасини ўқувчилар ёш хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мослаштиради ҳамда фаолиятга йўналтирилган ёндашувга амал қилади [9].

Ушбу услубнинг асосий хусусиятлари аниқ қутилмалар ва тамойилларни белгилаш исталган ва исталмаган ҳулқ-атвор, натижага эришиш учун босқичма-босқич ҳаракат қилиш ўқувчилар кўникма ва малакаларини ҳисобга олган ҳолда, вазифаларни қийинчилик даражасини коррекциялаш орқали ўқувчиларнинг вазифани бажариш пайтида ва кейин қайтар ижобий алоқани ўз ичига олади. Тизимли услуб бутун синф ўқувчилари фаоллигини тўлиқ қамраб олиш ва ижобий натижаларга эришишни таъминлайди [5], шу билан бирга, энг асосийси ўз-ўзини бошқаришга, депрессив туйғуларнинг камроқ ифодаланишига компетентликка бўлган эҳтиёжни қондириш билан изоҳланади [6]. Автоном ва тизимли мотивацион услублари на фақат ўқувчига балки ўқитувчига ҳам фойдали эканлиги тўғрисида маълумотлар ҳам мавжуд [7]. Тарбиясиз бўлган мулоқот услуб ўқувчиларда билим олиш хоҳишини сўндиради, аммо улар ўз компетенциясини ўзлари ривожлантиришига тўғри келади. Бундай мулоқот услубидаги ўқитувчилар талаби тушунарсиз ва тартибга риоя қилмайди ва ўқувчилар ўқув фаолиятида турли чалкашликларга дуч келишади шунингдек, нима қилиш кераклигида ишончсизликни бошидан ўтказишади. Агарда ўқувчилар ўқитувчини ўзидан барча масъулиятни ечиб, уларга ёрдам бермайдиган, фақат кузатувчи сифатида кўришса, уларда компетентлигида ва шахс сифатида қадриятга эгаллигига шубҳа уйғонади.

Е.Осин ўзининг “Таълимда ижобий психология: қандай қилиб завқ билан ўқиш ва ўқитиш мумкин?” (*«Позитивная психология в образовании: как учить и учиться с удовольствием?»*) китобида, “Агар сиз ғайратли бўлсангиз, унда сиз бакуват, қатъиятли,

мослашувчан ва аниқ мақсадга йўналгансиз”-фикрларни берган. Бундан таълим олувчиларга мотивация уйғотиш масаласи доимо долзарб бўлиб келганини ва у бугунги кунда нафақат бизни балки бошқа тадқиқотчиларни қизиқтирувчи масала эканлигини англаш мумкин. Бу борада турли давлатлар тадқиқотчиларида турли ёндашувлар мавжуд.

Методлар. Тадқиқот мақсадига эришиш учун биз, К.Маркова ва А.Я.Никонованинг “Ўқитувчи фаолияти услубини ўрганиш” методикаси; “Ўз-ўзини бошқарув услубини аниқлаш” методикаси; “Мулоқот таҳлилининг Фландерс тизими” бўйича ўқитувчи мулоқот услубини кузатиш; 16 факторли Кеттелл тести; суҳбат услубидан ҳамда, ўқитувчининг билим олувчига мотивация берувчи, руҳлантириб, ғайратини уйғотувчи услубини баҳолаш мақсадида Бельгияда ишлаб чиқилган, биз томонимиздан мослаштирилган “Мақтабдаги вазият” методикасидан фойдаландик [12].

Шахснинг нимадир билан шуғулланиши учун вазият яратилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай вазиятлар бир қанча шартларни ўзида мужассамлаштиради. Булар таркибига: аниқ мақсадлар, қайтар алоқа, назоратни ҳис қилиш, қийинчилик даражасининг оптималлиги қиради.

Тадқиқотимизнинг турли тестлар натижалари орасидаги кўрсаткичларининг фактор таҳлили натижасида, ўқитувчиларнинг самарали фаолият услуби, хавотирли фаолият услуби, мослашувчан фаолият услуби, доминант фаолият услуби, ҳиссий-турғун фаолият услуби, ижтимоий фаолият услуби, дистант фаолият услуби, ҳукмрон фаолият услуби деб номланган факторлар қўлга киритилган ва улар шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари тавсифланган [13].

Мунозара. Мазкур услублар ўқувчилар таълим олишига мотивация берувчи даражада таъсир этиши даражасига қараб, ўқитувчилар фаолият услубларини ажратишга ҳаракат қилдик ва 1-жадвалда белгиладик.

2- жадвал. Ўқитувчи фаолияти услуби тадқиқот натижаларининг фактор таҳлили кўрсаткичлари

Тест кўрсаткичлари	1-фактор Самара-ли фаолият услуби	3-фактор мослашувчан фаолият	6-фактор ижтимоий фаолият
ХТУ (Ҳиссий – тайёргарликсиз услуб)	-0,444**	0,452**	
ХРУ (Ҳиссий-режали услуб)		0,485**	0,379**
ФТУ (Фикрий-тайёргарликсиз услуб)	-0,307**	0,625**	
ФРУ (Фикрий-режали услуб)	-0,294*	0,626**	
ЛИБ (либерал услуб)			0,526**
ДЕМ (демократик услуб)	0,247*		0,580**
Мд (ўз-ўзини баҳолаш)	-0,589**	-0,281*	0,218*
А (ёпиқ (одамовилик)-мулоқотчан)	0,403**	0,287*	-0,350**
Ғ (босиқ (мулоҳазали)-таъсирчанлик)	0,458**		0,481*
Г (ҳис-туйғуларга берилувчанлик-юқори норматив ҳулқ)			-0,418**
Н (тортинчоқлик (журъатсиз)-ботирлик)	0,604*		
І (шафқатсизлик-юмшоқ кўнгиллилик)	0,302**		

М (ишбилармонлик-ривожланган ҳаёлпарас-тлик)	0,683**		
N (табийй оддийлик-дипломатлик)	-0,833**		
O (ўзига ишонувчан-айбдорлик ҳиссига мойиллик)	0,569**	0,205*	
Q ₁ (ригидлик-ўзгарувчанлик)	-0,675**		
Q ₂ (конформилик-мустиқиллик)	-0,520**	0,211*	0,246*
Q ₃ (импульсивлик-истақларни назорат қилишга мойиллик)	0,538**	0,418**	
Q ₄ (кучсизлик-фрустрация)	0,311**	-0,225*	

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$

1-жадвалда келтирилган фактор таҳлили натижалари тавсифловчи меъёрлар махсус дастур ёрдамида уни факторли ўзгартирилди ва марказлашган (центроид) услубни қўллаб педагог шахс хусусиятларига нисбатан таъсир кўрсатувчи фактор ажратилиб, номланди. Мазкур натижалар 2-жадвалда ўз аксини топди.

Ўқитувчининг ўқувчилар ўқув мотивациясини уйғотувчи услублар деб қуйидагиларни келтирамиз:

Самарали фаолият услуби – юқори ижодий потенциал; демократик бошқарув услуби; мулоқотчанликнинг етарлича юқори даражаси; серғайратлилик, ҳаётдан мамнунлик; ижтимоий фаоллик, таваққалга мойиллик; мулоқотда дипломатлик; ҳулқ-атворда санъаткорлик; таъсирчанлик, хавотирли; ўзини назорат қилишнинг юқори даражаси, ижтимоий талабларни бажарувчанлик, мақсадга йўналганлик, лидерликка мойиллик, мотивациянинг юқорилиги, безовталиқ.

Мослашувчан фаолият услуби – ҳиссий-тайёргарликсиз, ҳиссий-режали, фикрий-тайёргарликсиз, фикрий-режали услубларни фолитида қўллайди. Билишнинг юқори даражаси, санъаткорлик,

ўқув материални қизиқарли бера олишни билиш, талабчанлик, ўқувчиларга эътиборли, мулоқотчан, жавобгарликни ҳис қилишнинг юқори даражаси, ўз-ўзини ҳулқ-атворини юқори даражада назорат қилиш.

Ижтимоий фаолият услуби – гуруҳга ишончни англатувчи, ўқувчиларга мустиқиллик берувчи, маънавий қўллаб-қувватловчи, ўз вазифаларини ўқувчиларга ташлашга интилишини, уларда ташаббускорликни ривожланишига, шахс индивидуал-психологик сифатларни ва жамоа ижтимоий-психологик жараёнини ўрганиб, низоларни бартараф қилиш, жамоада дўстона муҳитни яратишни англатувчи демократик ва либерал бошқарув услубининг юқори кўрсаткичлари бу педагоглар ҳаётни севадилар, мулоқотчан, қиришимли, одамлар билан муносабатда мослашувчан ва етарлича юқори даражадаги мустиқилликка эга.

Келтирилган ўқитувчининг ўқув мотивациясини кўтарувчи фаолият услуби типологиялари якунига етган деб даъво қилмасдан, ўқитувчи фаолият услуби кўпсонли таснифлари қаторига умумий ҳисса бўлиб қўшилади. Бизнинг фикримизча, тадқиқот жараёнида тақлиф қилинган юқоридаги таснифлари, нафақат шахс характеристикасини, балки улар фаолиятида бевосита амалга ошадиган ўқитувчи ҳулқ-атвори усул ва методлари хусусиятларини аниқлашга қаратилган кейинги изланишлар предмети бўлади. Фаолият услуби ҳақида билимларга эга бўлишнинг аҳамияти шундаки, биринчидан самарали ўқув мақсадларига эришиш, ўзгалар услуби билан танишиш ва ўрганиш орқали солиштириш, ўз фаолияти услубига ташқаридан қараш имкониятига эга бўлади. Қайси стратегиялар фойдали эканлигини тушунилади. Энг асосийси, ўқитиш услубларини танлаганда энг самаралисини танлашга онгли ёндашишга ёрдам беради. Иккинчидан, янги имкониятларга эрилишилади. Бир хил дарс ўтиш ўқув мотивациясини сўндириши мумкин. Ўқитувчи ўзига таниш услублар доирасини кенгайтириб, ўқитувчи янги уфқларни очади, шунингдек, янги ғоялар ва янги қизиқарли фаолият услубларини кашф этади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар қунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2021йил 29 сентябр <https://president.uz/uz/lists/view/4660>.
2. Aelterman N., Vansteenkiste M., Haerens L., Soenens B., Fontaine J.R., Reeve J. Toward an integrative and fine-grained insight in motivating and demotivating teaching styles: The merits of a circumplex approach // Journal of Educational Psychology. 2019. Vol. 111 (3). -P. 497-521.
3. Assor A., Kaplan H., Kanat-Maymon Y., Roth G. Directly controlling teacher behaviors as predictors of poor motivation and engagement in girls and boys: The role of anger and anxiety: Feelings and Emotions in the Learning Process // Learning and Instruction. 2005. Vol. 15(5). -P. 397-413.
4. Haerens L., Aelterman N., Vansteenkiste M., Soenens B., Van Petegem S. Do perceived autonomysupportive and controlling teaching relate to physical education students' motivational experiences through unique pathways? Distinguishing between the bright and dark side of motivation // Psychology of Sport and Exercise. 2015. Vol. 16. -P. 26-36.
5. Jang H., Reeve J., Deci E. Engaging Students in Learning Activities: It Is Not Autonomy Support or Structure but Autonomy Support and Structure // Journal of Educational Psychology. 2010. Vol. 102 (3). -P. 588-600.
6. Mouratidis A., Vansteenkiste M., Michou A., Lens W. Perceived structure and achievement goals as predictors of students' self-regulated learning and affect and the mediating role of competence need satisfaction // Learning and Individual Differences. 2013. Vol. 23. -P. 179-186.
7. Reeve J. Autonomy-Supportive Teaching: What It Is, How to Do It // Building Autonomous Learners: Perspectives from Research and Practice using Self-Determination Theory / Eds. W.C. Liu, J.C.K. Wang, R.M. Ryan. Singapore: Springer, 2016. -P. 129-152.
8. Ryan R.M., Deci E.L. Self-determination theory: Basic psychological needs in motivation, development, and wellness. Self-determination theory. Guilford Publications, 2017. -P.756.
9. Soenens B., Sierens E., Vansteenkiste M., Dochy F., Goossens L. Psychologically Controlling Teaching: Examining Outcomes, Antecedents, and Mediators // Journal of Educational Psychology. 2012. Vol. 104 (1). -P. 108-120.
10. Soenens B., Sierens E., Vansteenkiste M., Dochy F., Goossens L. Psychologically Controlling Teaching: Examining Outcomes, Antecedents, and Mediators // Journal of Educational Psychology. 2012. Vol. 104 (1). -P. 108-120.
11. Soenens B., Sierens E., Vansteenkiste M., Dochy F., Goossens L. Psychologically Controlling Teaching: Examining Outcomes, Antecedents, and Mediators // Journal of Educational Psychology. 2012. Vol. 104 (1).
12. Гордеева Т.О., Сычев О.А. Диагностика мотивирующего и демотирующего стилей учителей: методика «Ситуации в школе» // Психологическая наука и образование. 2021. Том 26. № 1. С. 51-65.
13. Тураева Д.Р., Елмуратова А.У., Мамбеткадыров Г.А. Теоретические подходы к изучению индивидуального стиля деятельности учителя в системе «учитель-ученик». - Вестник интегративной психологии.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада ўқитувчининг ўқувчилар ўқув мотивациясига таъсир этувчи фаолият услуги ва унга хос бўлган индивидуал -психологик хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Мазкур соҳада ўтказилган эксперимент натижалари психологик таҳлили келтирилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматривается стиль деятельности учителя влияющие на учебную мотивацию учащихся и индивидуально-психологические особенности учителей соответствующему стилю. Представлен психологический анализ результатов эксперимента, проведенного в этой области.

SUMMARY. This article examines the teacher's style of activity that influences students' learning motivation and the individual psychological characteristics of teachers corresponding to the style. A psychological analysis is presented the results of an experiment conducted in this area.

ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ЎЗ УСТИДА ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ш.А.Шакарбоева – психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Жиззах давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: ўқитувчи, таълим, педагогик фаолият, ўз устида ишлаш, толерантлик, эмпатик қобилият, муваффақият мотивлари, билим, малака, касб, ўз-ўзини ривожлантириш.

Ключевые слова: учитель, образование, педагогическая деятельность, работа над собой, толерантность, эмпатическая способность, мотивы успеха, знания, компетентность, профессия, саморазвитие.

Key words: teacher, education, pedagogical activity, work on oneself, tolerance, empathic ability, success motives, knowledge, competence, profession, self-development.

Таълим - тарбия бериш мураккаб ижтимоий – психологик жараён бўлиб, у ҳар бир ўқитувчидан ўзига хос касбий мувофиқликни талаб этади. Касбий мувофиқлик ўз мазмунида изланиш, ўз фаолиятини самарали ташкил этиш, касбий ўз-ўзини ривожлантириш каби хусусиятлар моҳиятини ҳам характерлайди. Бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентлик, ижодкорлик сифатлари, ўз устида ишлаш малакалари қабиларни шакллантириш ҳамда тарбиялаш ишлари долзарб масалалардан бири саналиб, уни тадқиқ этиш ўзига хос концептуал ёндошувларга мурожаат қилишни талаб этиши табиийдир. Шунинг учун ҳам психологик тадқиқотларда, бўлажак ўқитувчилардаги ўз устида ишлаш фаолиятини тарбиялаш масаласи ўз-ўзини такомиллаштириш, касбий ривожланиш, касбий камолот, касбий рефлексия, педагогик фаолият психологияси каби феномен тушунчалар моҳиятини ўрганиш орқали тушунтирилади. Бунга сабаб, таълим-тарбия жараёнининг инсонпарварлик тамойилларига асосланиб ташкил этилганлиги ҳисобланади.

Ҳозирга қадар замонавий ўқитувчи ва унинг муваффақиятли касбий фаолияти борасида кўплаб педагогик, психологик, социологик тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, аксарият тадқиқотлар педагогик жиҳатлар, умумпсихологик хусусиятлар, акмеологик ўзига хосликлар орқали амалга оширилган. Ўқитувчиларнинг мустақил ишлаш кўникмалари, ижодий фаолияти, ўз-ўзини ривожлантириш масалаларининг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари, кўпчилик тадқиқотчилар диққат эътиборидан четда қолган. Шунинг учун ҳам, педагогик фаолиятда ўз устида ишлаш масаласи унга яқин бўлган тушунчалар орқали ўрганилади. Н.А.Рубаниннинг “ўз-ўзини ривожлантириш амалиёти” асарида ўқитувчи фаолиятини таҳлил этар экан, муваффақиятли ўқитувчиларда ўзини ўзи такомиллаштиришнинг қуйидаги асосий жиҳатларини ажратиб кўрсатади [1:187]. Уларга:

- Касбий билимларни доим тўлдириб бориш;
- Педагогик маҳоратни ошириш;
- Умумий дунёқарашни кенгайтириш;
- Ахлоқий ва жисмоний ўз-ўзини

такмиллаштириш;

- Иш кунини самарали ташкил этиш қобилияти;
- Ўзини -ўзи билиш, касбий соҳада тўғри англаш;
- Ўз-ўзини қузатиш, ички қузатиш, ўзини қадрлай олиш;

– Ўзини бошқалар билан таққослаш, ўз фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва ҳоказо.

Юқорида келтириб ўтилган ушбу таснифлар, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлик

хусусиятлари саналиб, у мустақил ишлаш фаолияти кўникмалари ҳамда ижодий қобилиятлар учун ўта муҳим психологик унсурлар ҳисобланади.

Демак, касбий баркамол, ижодкор, намунали ўқитувчи нафақат, ўз соҳасига оид компетентликка эга бўлиши балки, таълим жараёнининг самарадорлигига хизмат қилувчи кўплаб ижтимоий - психологик, ижтимоий–педагогик шарт-шароитлар қоидаларини пухта ўзлаштирган бўлишлари лозим саналади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ўқитувчининг касбий ўзини ўзи такомиллаштириб бориши бу, касбий малакани ошириш, ташқи ижтимоий талабларга тайёр туришлик, педагогик фаолият шарт-шароитларидан хабардорлик қабилар билан характерланади.

Бўлажак ўқитувчилар фаолиятини тадқиқ этишнинг ижтимоий-психологик ёндошувлари сифатида Т.Парсонснинг изланишларини олиш мумкин. Муаллифнинг фикрича, ҳақиқий ўқитувчи бу – ўз қобилият ва интилишларини англай олган, таълимда муваффақиятга эришиш усулларини пухта ўзлаштирган, болаларни тинглай оладиган шахсдир [4:123]. Гарчи муаллиф ўз қарашларида ижтимоий шарт-шароитларни ҳисобга олган бўлсада, ўқитувчи фаолиятининг ижтимоий-психологик жиҳатларига ҳам эътибор қаратган. Яъни ўқитувчи шахсига хос бошқарувчанлик, ташкилотчилик сифатлари таълим жараёнини тўғри ташкил эта олиш мезони сифатида олинган.

Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат кўникмаларини шакллантириш ҳам муваффақиятли фаолият учун муҳим омил саналиб, мазкур масала билан боғлиқ илмий тадқиқотни В.П.Симонининг ишларида кўриш мумкин. Муаллифнинг фикрича, ҳар қандай таълим - тарбия усули ўз мазмунида қуйидагиларни акс эттириши лозим саналади [5:192]:

1. Ўзаро ишонч ҳисси;
2. Болаларни тинглай олиш ва тушуна олиш қобилияти;
3. Юқори ижтимоий перцепция (ижтимоий идрок);
4. Психологик манипуляцияга (бошқаларни идрокни ўзгартира олиш) эга бўлиш;
5. Актуализаторлик (бошқаларни яхши эшита олиш ҳамда кўра олиш қобилияти);
6. Эркинлик (фикрлаш ва ахборотларни узатишдаги мустақиллик);
7. Ўз касбини севиш, касбга оид маълумотларни яхши ўзлаштирганлик, яхши дарс бера олиш кўникмаси;
8. Инсонпарвар, меҳрибон, хайрихоҳлик сифатларига эга бўлиш;